

АЛЬТРУИЗМНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТАЛАБАЛАРДАГИ ОҒИШГАН ХУЛҚНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**Нодира Камилова,
Психология фанлари номзоди, доцент
Наргис Атабаева,
ўқитувчи**

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини халқаро миқёсда мустаҳкамлаб борар экан, унинг келажаги бугунги авлодни ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб етиштиришга, қандай таълим-тарбия олишига боғлиқ. Президентимиз И.А.Каримов айтганидек: “Таълимни тарбиядан тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир” [1,62]. Баркамол авлодни тарбиялаш инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. Дарҳақиқат, келажак авлод ҳақида қайғуриш соғлом, баркамол, комил инсонни тарбиялаб, вояга етказишга интилиб яшаш ўзбек халқининг миллий хусусиятларидан биридир. Айнан мустақиллик шарофати билан миллий қадриятлар, анъаналарнинг тикланиши аجدодларга нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш билан бир қаторда ўсиб келаётган ёш авлодни таълим-тарбиясида миллий руҳиятнинг ўрни бекиёс эканини кўрсатиб берди. Бизга маълумки, шарқона тарбия негизида самимийлик, саховат, футувват каби альтруистик хулқ-атвор ётади. Шундай экан, миллат келажаги бўлмиш ёш авлодни альтруистик руҳда тарбиялаш, уларга шарқона тарбия асосларини сингдириш, ёшлар маънавий онгини шакллантириш орқали хулқдаги зарарли иллатларни олдини олиш, хулқдаги оғишишларни бартараф этиш долзарб муаммолардан биридир.


Психологияда шахс хулқ-атвори ва унинг мотивациясига оид тадқиқотлар кўп бўлишига қарамай, шахс хулқидаги оғишганликни олдини олиш ва коррекциялаш муаммоси тўлиқ ўз ечимини топмаган. Биз ўз изланишларимиз асосида шахсдаги оғишган хулқни альтруизмдек шахс маънавий ахлоқи орқали коррекциялаш усулларини аниқлашга ҳаракат қилдик. Бунинг учун аввало, талабалардаги альтруизм ҳамда девиант хулқ-атворнинг мотивларини тушунириб берувчи назарий маълумотларни таҳлил қилсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Назарий маълумотларга таянган ҳолда шахс хулқ-атвори мотивларини ўрганишга қаратилган ёндашувларни уч гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Психологик ёндашув. Жамиятда ҳар қандай шахслараро муносабатлар замирида ўзаро манфаатдорлик ётадики, шунга мувофиқ альтруизм – бу меҳр-муҳаббат, ҳурмат, ғамхўрлик каби психологик ҳиссиёт ва ижтимоий-психологик қадриятларни ўзаро алмашинишдир (Б.Ф.Скиннер, М.Снайдер, А.Омото, Б.Мур). Бунда кишилардаги ўз-ўзига берадиган баҳо, ўз-ўзига муносабат, эмоционал соҳа муҳим аҳамият касб этади. Айнан шахсдаги психологик ҳиссиётлар ва ижтимоий-психологик қадриятларни ўзаро алмашинишни бузилиши ички бегоналашувни, ўз-ўзига ҳурматни пасайишига (У.Кэплан) олиб келади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, эмоционал эҳтиёжларни (психологик яқинлик, ўзгалар томонидан эмоционал қўллаб-қувватланиш, эмпатия) қондирилмаслиги ва шахс томонидан қабул қилинган қадриятлар ҳамда ижтимоий нормалар орасидаги номуносиблик шахс хулқидаги оғишишларга сабаб бўлади (Себастьян де Гразиле).


2. Ижтимоий ёндашув. Шахс ва жамият ҳаётида ижтимоий таъсирларнинг роли бекиёсдир. Айнан ижтимоий таъсирлар, яъни, ижтимоий норма, санкция, ижтимоий маъсулият ҳисси ва ижтимоий ролларнинг ўзаро таъсири натижасида кишилар альтруистик хатти-ҳаракатларни содир этадилар (Джеймс Даббс). Бироқ, ижтимоий нормаларнинг шахс томонидан тўлиқ ангалилмаслиги ва ижтимоийлашув жараёнида юзага келадиган ижтимоий – психологик, мотивацион тўсиқлар шахс хулқида оғишганликни келтириб чиқаради. Ушбу ёндашувнинг моҳиятига биноан, хулқи оғишган шахсда ижтимоий маъсулият, ижтимоий перцепция, хулқ-атвори ижтимоий назорат қилиш кўрсаткичлари пасайиб, ички низолар кучайиб кетади (Т.Парсонс, Г.Веккер, Ч.Фрайзер).

3. Биологик ёндашув. Ушбу ёндашувда альтруизм биологик эҳтиёж сифатида кўриб чиқилади ва альтруизм кишилар хулқ-атворида инстинктив равишда намоён бўлади деб қаралади. Альтруизмнинг асл моҳияти кишиларнинг ўз наслини сақлашга қаратилган бўлади, яъни ота-онанинг ўз фарзандига нисбатан альтруистик хатти-ҳаракати негизида ўз наслини сақлаб қолишга бўлган биологик эҳтиёж ётади деб тушунтирилади (Д.Бараш, Э.Сандерсон, Э.О.Уилсон). Шахс хулқидаги оғишишларни тушунтирувчи биологик ёндашувларнинг аксариятида физиологик ўзгаришлар ва жисмоний стигма етакчи омил сифатида қаралади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, инсон организмидаги гормонал мувозанатнинг бузилиши шахсдаги жиззакилик, жаҳлдорлик, агрессивликни келтириб чиқарса (К.Лоренц), айрим жисмоний стигмалар (жисмоний нуқсонли бор шахсларни жамиятдан сиқиб чиқариш) ҳам хулқдаги оғишишларга (Гофманн) сабаб бўлар экан [2,125-127; 3, 432-475].

Юкорида келтирилган ҳар бир ёндашувдан кўриниб турибдики, альтруизм ва хулқдаги оғишганлик бир-бирини инкор этувчи ва бир-бирига қарама-қарши тушунчалардир. Шу боисдан, шахсдаги оғишган хулқни коррекциялашда бевосита шахс қадриятлар тизими ва маънавий онгига таъсир этиш орқали альтруистик хулқни шакллантириш ҳамда шахснинг ижтимоий адаптациясини таъминлаш мумкин. Назарий таҳлилларни амалдаги ҳолатини кўриш мақсадида талабаларда “Хулқ оғишганликка мойиллик” ва “Альтруизм-эгоизм установакаларини аниқлаш” методикалари ўтказилганда қуйидаги натижаларга эришилди:



■ 1. Расм. Талабаларда хулқ оғишганликка мойилликни намоён бўлишининг психологик хусусиятлари (фониз ҳисобида)



■ 2. Расм.Талабаларда альтруизм намоён бўлишининг психологик хусусиятлари (фонз ҳисобида)

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра талабаларда агрессия ва зўравонликка мойиллик шкаласи бўйича 77 %, ўз-ўзига зиён етказувчи хулқ-атворга мойиллик 38 %, деликвент ахлоққа мойиллик 31 %, паст даражадаги альтруизм, яъни эгоизмга мойиллик 52 % талабаларда кузатилди. Агрессив, девиант хулқ-атвор ва зўравонликка мойиллик асосини агрессивлик ва қонунга қарши мотивация ташкил этади. Бундай хатти-ҳаракатлар шахсга ёки аторфдагиларга маънавий, моддий ёки жисмоний зарар етказиш, ўзгаларга беғараз ёрдам беришнинг сустлиги, эмпатия ва шахслараро муносабатлардаги толерантликнинг қуйи даражадалиги каби деструктив хулқ-атвор билан характерланади. Бу эса талабалардаги коммуникатив малакаларнинг пастлиги, “педагог-талаба” тизимидаги шахслараро муносабатларга киришишдаги муаммолар, ўз-ўзига ноадекват баҳо бериш, ўзига ишонч хиссининг йўқлиги, хулқ-атворни онгли бошқариш малакаларини етишмаслиги, муаммонинг ечимини адекват баҳолай олмаслик, ижтимоий маъсулиятни ҳис қилмаслик, шахснинг ўзини-ўзи эмоционал бошқара олмаслик каби хусусиятлардан дарак беради.

Эмпирик маълумотларга асосланиб, шахсдаги альтруизм установка ва ижтимоий исталган жавоблар, эмоционал реакцияларни иродавий бошқариш шкалалари билан мусбат корреляцияга, меъёр ва қоидаларни бузишга мойиллик, ўз-ўзига зиён етказувчи хулқ-атворга мойиллик, агрессия ва зўравонликка мойиллик, деликвент хулқ-атворга мойиллик, аддиктив хулқ-атворга мойиллик шкалалари билан манфий корреляцияга эга дейиш мумкин. Бу шундан далолат берадики, альтруист шахс ижтимоий манфаатларни шахсий манфаатлардан устун қўйиб, уларда ижтимоий исталган хатти-ҳаракатлар, ижтимоий маъсулият, ўз хатти-ҳаракатларига жавобгарликни ҳис этиш, эмоционал ўзини – ўзи назорат қилиш каби хусусиятлар шаклланган бўлади. Девиант хулқ-атворга мойил талабаларда эса, айнан ижтимоий маъсулиятнинг йўқлиги, муаммони ечимини кўра билмаслик, ахлоқий-ҳуқуқий онгнинг шаклланмаганлиги, ўзгаларни ижтимоий қўллаб-қувватланиш ва ижтимоий перцепциянинг пастлиги яққол кўзга ташланади.

Таҷрибаларнинг кўрсатишича, талабалик даврида касбий соҳада ва жамиятда ўз ижтимоий мавқеини эгаллашга бўлган интилиш кучли бўлади. Шу боисдан, талабалар орасида миллий қадриятларни тарғиб қилувчи, уларда альтруистик ҳислар, эмпатия, ижтимоий маъсулиятни шакллантиришга қаратилган турли хилдаги маънавий-ахлоқий, ҳайрия тадбирлар, ёшлар ижтимоий ҳаракатларининг фаолиятини кучайтириш юқори самара беради. Чунки, бундай маънавий-ахлоқий, ҳайрия тадбирларига талабаларни жалб қилиш энг аввало, уларда “жамиятга керакликлиги”ни, “улар ҳам ижтимоий фойдали ишга яроқли экани”ни ҳис этишга имконият яратади. Бу эса ўз навбатида, талабаларнинг ўз устида ишлашга, уларнинг ижтимоий фаоллигини ортишига ва энг асосийси, хулқдаги оғишганликнинг яширин шаклларини коррекциялашга хизмат қилади.

Талаба ёшлардаги ижтимоий фаолликни шаклланиши эса глобал ахборот оқимининг таъсири кучайган янги замонавий ижтимоий-иқтисодий тараққий этган жамиятда мувоффақиятли ижтимоийлашувини таъминлайди. Талабаларнинг ижтимоий фаоллиги қуйидагиларда намоён бўлиб, айнан шу жиҳатларга эътибор қаратиш орқали хулқдаги оғишганликни коррекциялаш ва ижтимоий маъсулиятни ошириш мумкин бўлади:

талабаларнинг ижтимоий-касбий билимларни эгаллашга тайёрлик мотивациясини кучайтириш; ёшларни ижтимоий аҳамиятли фаолият соҳаларига йўналтириш (лойиҳалар яратишга жалб қилиш, волонтерликда иштирок этиш, ижодий фаолиятга жалб қилиш); касбий ва шахсий шаклланишдаги фаол ташаббусни қўллаб-қувватлаш; шахсий фаолият фаолият мотивларини таҳлил қилиш ва баҳолаш ва бошқалар.

Қолаверса, талабаларда альтруистик хулқни шакллантиришга қаратилган махсус тренинг машғулотлари ёрдамида уларнинг когнитив, эмоционал ва ижтимоий соҳаларига таъсир этиш орқали уларнинг ўзгаларни тушуниш ва қўллаб-қувватлаш, шахслараро муносабатлардаги тўсиқларни енгиб ўтиш, эмпатия хисларини таркиб топтириш ҳамда шахснинг жамиятга ижтимоий мослашишини таъминлаш мумкин. Айнан жамиятга мослашиш механизмлари ва шахс қадриятлар тизимининг қайта қурилиши талабалар хулқидаги оғишганликни коррекциялаш имконини беради. Ф.Е.Васильюкнинг фикрича, шахснинг қадриятларини юқори даражада ўзгариши, ривожланиши “ўзининг ҳар қандай мотивларидан воз кеча олиш қобилияти” саналади. Бундай ҳолатда қийинчиликларга, муаммоларга дуч келган инсонда тескари ҳаракат, яъни ўзгалар манфаатини устун қўйиш юз беради.

Эмпирик таҳлилларга асосланиб, шундай хулоса қилишимиз мумкин:

- Соғлом оилавий муҳит шахснинг психологик жиҳатдан мукамал бўлиб шаклланишида муҳим аҳамиятга эга;

- Альтруизм шахснинг ички олами билан боғлиқ бўлган ва унинг ташқи хулқ-атворида намоён бўлувчи ижтимоий ахлоқий сифатлардан бири ҳисобланиб, талабаларнинг маънавий-ахлоқий онгининг шаклланиши билан боғлиқ;

- Талабаларда маънавий – ахлоқий хусусиятлар ҳақида тушунчалар шакллантириш орқали уларда альтруистик хисларни тарбиялаш, шахсий хатти-ҳаракатларга нисбатан маъсулият ҳиссини ортишига замин яратиш ва шу орқали оғишган хулқни профилактикалаш мумкин;

- Хулқида оғишишга мойиллиги бўлган талабаларни ижтимоий ҳаракатларга жалб қилиш, ижтимоий-эмоционал қўллаб-қувватлаш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва оғишган хулқни коррекциялаш мумкин;

- Хулқида оғишишга мойиллиги бўлган талабаларда ижтимоий маъсулиятни шакллантириш учун уларни маънавий-ташкилий ишларга жалб этиш, уларда адекват “шахсий мен”ини тасдиқлашга имконият яратиш талабалардаги фуқоролик позициясини тарбиялаш билан бир бирга уларда альтруистик хулқни юзага келишига замин ҳозирлайди;

- Шахсдаги альтруистик хулқни шакллантиришга қаратилган тренинг машғулотларини ишлаб чиқишда ахлоқий онг, толерантликни таркиб топтириш ва эмоционал ўзини –ўзи бошқариш, эмпатия хислари, иродавий сифатларни ривожлантиришга эътибор қаратилса оғишган хулқни коррекциялашдаги муҳим омил, яъни шахс маънавий оламини қайта қуришга эришилган бўлар эди.

Юқоридаги фикрларга биноан таъкидлаш жоизки, шахс камолоти ҳамма замонларда ҳам муҳим муаммолардан бири ҳисобланган. Шу боисдан, оғишган хулқни коррекциялашда муҳим аҳамият касб этадиган омилларни, жумладан,

- талабаларда альтруизм, эмпатия, ижтимоий маъсулият, иродавий сифатларни шакллантириш механизмларини янада чуқурроқ тадқиқ этиш;

- талабаларда альтруизм, толерантлик, иродавий сифатлар, эмоционал интеллектни шакллантиришга қаратилган махсус тренинг дастурларини ишлаб чиқиш орқали оғишган хулқни коррекциялаш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси -Т: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2000, - 114б.
2. Ильин Е.П. Эмоция и чувства. - СПб.: Москва-Харьков-Минск 2001, С.125 - 127.
3. Майерс Д. Социальная психология - СПб.: Питер. 2002, -639с.